



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

<b>Шавкат Собирович Олтаев</b> Ўзини-ўзи банд қилишда заиф бандликдан унумли бандликка ўтишнинг инновацион йўллари	84
<b>Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова</b> Камбағалликни қисқартиришда ижтимоий хизматларнинг ўрни	88
<b>Farruh Shadiyrovich Shanazarov</b> Essence and content of the concept of poverty	92
<b>Sunnatillo Bakhriddin o‘g‘li Iskandarov</b> Xizmat ko‘rsatish sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishning milliy iqtisodiyotdagi o‘rni va funksiyalari	95
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Анвар Нематович Холикулов</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини аниқлаш йўллари	99
<b>Komoliddin Jurabayevich Matkarimov, Adxamjan Akbarovich Urinov</b> Transport xizmatlari eksportini modellashtirish va bashoratlash masalalari	103
<b>Shohsanam Nuritdinovna Niyozova</b> Milliy iqtisodiyotda internet xizmatlari bozorining samaradorligini oshirish va takomillashtirish yo‘llari	107
<b>Dilshod Sultanovich Musinov</b> Xizmat ko‘rsatish sohasida investitsion loyihalar samaradorligini oshirish yo‘llari	112
<b>Aziza Tolibovna Raxmonova</b> Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda oilaviy tadbirkorlikni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash samaradorligi	117
<b>Hamdam Iris o‘g‘li Allayorov</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida milliy aloqa xizmatlari bozorining o‘ziga xos xususiyatlari	123
<b>Нигина Бахтиёрвна Рузиева</b> Изучение инновационного развития сферы услуг в зарубежных странах	127
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Suxrob Ramazonovich Bobokalonov</b> Jozibador turistik destinatsiya tushunchasining mazmun-mohiyati, ilmiy-nazariy yondashuvlarning qiyosiy tahlili	130
<b>Malika Axmad qizi Qurbonova</b> Turizm va mehmonxona xizmatlarining aylanma mablag‘lar bilan ta‘minlanganlik darajasi va uning iqtisodiy barqarorligiga ta‘siri	135
<b>Abduvoxid Quldoshevich To‘rayev</b> Turizmda hududlar salohiyatidan oqilona foydalanishning nazariy asoslari va tamoyillari	140
<b>Ойдин Давроновна Хамракулова</b> Зеленая экономика и экологический туризм в экономике Узбекистана	143
<b>Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов</b> Туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни	147
<b>Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова</b> Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий масалалари	152

бозорни яратиш ва шу асосида уларни қўллаб-қувватлаш керак.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурахмонов Қ.Д. Мехнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Мехнат. - 2009. -512 б.
2. Дилмонов К. Хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини-ўзи банд қилишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири // “Biznes-Эксперт” иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр, 2021 йил 3 (159)-сон, 74-77- бетлар
3. Бурлак А.В. К вопросу о понятии «самозанятые граждане» // Вестник Омского университета. Серия «Право». - 2016. - № 4 (49).
4. Грабова О.Н., Суглобов А.Е. Проблемы выхода «из тени» самозанятых лиц в России: риски и пути их преодоления // Экономика. Налоги. Право. - 2017. - Т. 10. - № 6. - С. 108-116.

<p><b>Ш.Олтаев</b></p> <p><b>Инновационные пути перехода от уязвимой занятости к продуктивной занятости в самозанятости</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В данной статье исследуются инновационные способы перехода от уязвимой к продуктивной занятости в сфере самозанятости. Также в статье рассматриваются реформы, меры и теоретико-научные основы, направленные на совершенствование системы самозанятости в сельской и городской местности, в данном случае снижение и устранение факторов, негативно влияющих на дальнейшее повышение уровня самозанятости.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инновации, самозанятость, система самозанятости, повышение квалификации и профессиональное развитие, уязвимая занятость, продуктивная занятость, самозанятая деятельность, профессиональная подготовка самозанятых.</p>	<p><b>Sh.Oltaev</b></p> <p><b>Innovative ways to transition from vulnerable employment to productive employment in self-employment</b></p> <p><b>Abstract.</b> This paper explores innovative ways of moving from vulnerable to productive employment in self-employment. Also, the article discusses reforms, measures and theoretical-scientific bases aimed at improving the self-employment system in rural and urban areas, in this case, reducing and eliminating factors that negatively affect the further increase of self-employment levels.</p> <p><b>Keywords:</b> innovation, self-employment, self-employment system, skills development and professional development, vulnerable employment, productive employment, self-employment activities, vocational training of the self-employed.</p>
---	--

**Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова – СамИСИ тадқиқотчиси**

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация.** Мақолала камбағалликни қисқартиришда ижтимоий хизматларнинг ўрни ва унда ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматларнинг моҳияти ва ушбу хизматлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги очиқ берилган. Ногиронлиги бор инсонларга муносиб яшаш шароитини яратиш, иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, хуллас уларни камбағалликдан чиқариб, таълим ва тарбиянинг барча йўналишлари билан таъминлашга қаратилган бир қанча тавсиялар ҳам берилган.

**Калит сўзлар:** хизматлар, ижтимоий хизматлар, камбағаллик, “Инсон” маркази, ногиронлиги бор инсонлар, ҳаёт сифати.

**Кириш.** Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан бири мамлакатимизда турли хизматларни кўрсатиш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Бу борада мамлакатимиз раҳбари тизимли ишларни амалга оширадиган чора-тадбирларни белгилаб бермоқда. Давлатимиз раҳбари: “бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “**Янги Ўзбекистон**” ғояси замирида ана шундай улуг аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз”, деб таъкидлади. Камбағалликни қисқартиришга қаратилган омилардан бири ижтимоий хизматлар ҳисобланади. Айнан ушбу масалага бағишланган қуйидаги қарорларни ҳам қабул қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган “Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-300-сонли қарори, 2023 йил 28 сентябрда имзоланган “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-319-сонли қарорлари қабул қилинди. 2023 йилнинг 27 декабрида “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-410-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартда “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни эътироф этиш, индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш режасини тасдиқлаш ва мониторинг қилишнинг маъмурий регламенти” номли 123-сонли қарори тасдиқланди. Ушбу қарорларда айнан ижтимоий хизматларни кўрсатиш орқали камбағалликни қисқартириш масаласига катта эътибор қаратилган. Кўриниб турибдики, мазкур мавзу бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Камбағалликни қисқартиришда ижтимоий хизматларнинг ўрни ёритиш жараёнида индукция ва дедукция, анализ ва синтез, макон ва замон, миқдор ва сифат, мантикий ёндошув каби услуб ва усуллардан фойдаланилган. Бунда мунозарали масалалар ҳам қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ижтимоий хизматлар таркибида ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматлар ҳам асосий ўринни эгаллайди. Камбағалликни қисқартиришда ушбу хизматларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Чунки мамлакатимизда барча хизмат турлари билан бирга ижтимоий хизматларни кўрсатишнинг кўлами ва турларини кўпайтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг бир йўналиши аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кўпайтиришга қаратилган. Бу борада айрим фикрлар ҳам айтилмоқда. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” газетасида таъкидланишича “Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган”<sup>1</sup>. Ушбу хизматларни кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топган.

Мамлакатимизда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ташкил қилинган. Ушбу марказ ходимлари томонидан ногиронликни белгилашда Жаҳон соғлиқни сақлаш (ЖСС) ташкилотининг ногиронликни баҳолаш шкаласига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бунда маҳаллий хусусиятлар ва шарт-шароитлар ҳам инобатга олинади. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг маҳаллалардаги ижтимоий ходими, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни доимий аниқлашишларини амалга оширади ва бундай шахсларни Реестрга киритиш бўйича “Инсон” марказига амахсус шаклдаги сўровномани киритади”<sup>2</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон 2021 йилда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Ушбу йўналида мамлакатимиз Президентининг бир қанча қарорлари қабул қилинди. Хусусан, ижтимоий хизматлар билан боғлиқ мамлакат Президентининг 2024 йил 16 июлдаги “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2024 йил 18 июлдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосий ғояларидан бири “Инсон кадри учун”, йўналтирилган бўлиб, бу жамиятнинг ҳар бир аҳолиси учун, шу жумладан ногиронлиги бор инсонлар учун ҳам дахлдордир. Шу туфайли уларга муносиб яшаш шароитини яратиш, иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, хуллас уларни

<sup>1</sup> Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 1 – 5 б.

<sup>2</sup> Лола Абдуазимова. Индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланди. 14.03.2024. <https://www.norma.uz/qonunchilikda yangi/individual tartibda ijtimoiy hizmatlar kursatish tartibi belgiland>.

камбағалликдан чиқариб, таълим ва тарбиянинг барча йўналишлари билан таъминлаш давлатимизнинг диққат эътиборида ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу ҳолатларга эришиш учун бир қанча янги вазифалар белгиланган ва олдингилари такомиллаштирилган. Бу ҳақда фикрларимизни қисман олдинги мақолаларимизда таъкидлаган эдик<sup>1</sup>. Булар:

Биринчидан, ногиронлиги бор инсонларни лаёқатидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга ўқитиш, янги иш ўринларини яратиш ва уларни иш билан таъминлаш орқали ўзини ўзи моддий неъматлар билан таъминлаш, уларнинг қизиқишига қараб спортга ҳам жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилиши мақсад қилиб белгиланган.

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бирининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, давлат билан ҳамкорликда нодавлат ва ноижорат ташкилотларини ҳам жалб қилиш туфайли уларга муносиб иш ўринларини яратиш орқали бандлигини таъминлаш йўли билан камбағаллик чегарасидан чиқаришга қаратилган.

Учинчидан, ногиронликни белгилаш жараёнларининг шаффофлигини оширишда адолатли ёндошувлар орқали соҳада мавжуд бюрократик тўсиқлар ва коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни жорий қилиш вазифаси ҳам белгиланган.

Тўртинчидан, ногиронлиги бўлган аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоийлаштириш учун уларнинг эҳтиёжларини тўғри ва ўз вақтида аниқлаб, кундалик ҳаётидаги фаоллиги ва иштирокини баҳолаш тизимини ҳам такомиллаштириш орқали камбағалликни қисқартириш лозимлиги ҳам таъкидланган.

Бешинчидан, ногиронлиги бор шахсларга тиббий ижтимоий экспертиза комиссияси (ТИЭК) кўриги учун оилавий шифокорлар томонидан тегишли ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган ҳолда ўз вақтида электрон тарзда амалга оширилиши ҳам белгиланган.

Олтинчидан, эндиликда одамларнинг ногиронлигини баҳолашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг тартиб қоидаларига, уларда қўлланиладиган шкалаларни ўзимизнинг маҳаллий хусусиятларимизга мослаган ҳолда амалга оширилиши тартиби ҳам кўзда тутилган.

Еттинчидан, “18 ёшдан катта шахсларга ногиронликни белгилашда шахснинг клиник-функционал бузилишлари тавсифидан келиб чиқиб ногиронликнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларга муҳтожлигига оид маълумотлар “Ягона ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантирилади”<sup>2</sup>. Бу ҳам ногиронлиги бор шахсларга бир қанча қулайликлар яратади.

Саккизинчидан, “Фуқароларга биринчи мартаба ногиронлик белгилангандан сўнг “Инсон” марказлари томонидан уларни таълим ва касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, спортга жалб этиш ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш бўйича индивидуал тартибда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш режалари ишлаб чиқилади ва ижроси мониторинг қилиб борилади”<sup>3</sup>.

Тўққизинчидан, яна бир муҳим жиҳат, соғлиқни сақлаш вазирлигида мазкур соҳа бўйича вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилади. Бу вазирликнинг марказий аппаратида ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизматлар кўрсатилиши жараёнини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Ўнинчидан, эндиликда Президентимизнинг юқоридаги қароридан кўрсатилишича ногиронлик инсоннинг касаллигига қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгилаш кўзда тутилган.

Ўн биринчидан, эндиликда ногиронлиги бўлган инсонлар ҳаракатига мослаштириш мақсадида янги қурилаётган барча турдаги объектларда, йўлларда, метро, автобус бекатларида, чарраҳаларда тўсиқларсиз, хавфсиз муҳит яратилади.

<sup>1</sup> Мамаюнус Пардаев, Мехрангиз Мамаюнусова. Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматлар такомиллаштирилади. // <https://telegra.ph/Nogironligi-bor-insonlarga-k%D1%9Ersatiladigan-hizmatlar-takomillashtiriladi-08-06>. SamTVR | MTRK. 2024 йил 6 август. – 0,2 б.т.

<sup>2</sup> Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 5-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

Ўн иккинчидан, чорраҳаларда ногиронлиги бўлган инсонлар учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратиш масаласи ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу тадбирга харажатлар “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармасининг 10 фоиз қисми ҳисобидан қопланиши ҳам белгиланган.

Ўн учинчидан, юқоридаги қарорда 2026 йил 1 январгача ногиронлиги бор инсонлар учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратилганлиги тўғрисида маълумотларни аниқлайдиган “Интерактив харита” ахборот тизими шакллантирилиши кўзда тутилган.

Ўн тўртинчидан, ногиронлиги бор инсонларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлашга мўлжалланган жамоат транспортини ҳам ташкил қилинади. Буларнинг бари ногиронлиги бор инсонларга тегишли шароитларни яратиб, уларни барча инсонлар қатори фаровон ва хотиржам яшашини таъминлашга қаратилгандир.

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқотлар натижаси кўрсатдики, ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш каби тадбирлар “Инсон қадрини учун” ғоясини амалга оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бунга эришиш учун яна бир қанча вазифаларни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ. Булар:

**Биринчидан,** ногиронлиги бор шахсларни маҳаллабай рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирининг камбағалликдан чиқиши учун кўрсатилиши лозим бўлган хизматларни маҳалла еттилиги назоратига олиш мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан,** хўжалик юритувчи субъектларда ногиронлиги бор инсонларга мос иш ўринларини яратиш ва уларга давлатимиз томонидан тегишли имтиёзлар билан рағбатлантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган “Инсон қадрини учун” шиори остидаги мақсад ва вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 1 – 5 б.
2. Лола Абдуазимова. Индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланди. 14.03.2024. <https://www.norma.uz/qonunchilikda-yangi/individual-tartibda-ijtimoiy-hizmatlar-kursatish-tartibi-belgiland>.
3. Мамаюнус Пардаев, Мехрангиз Мамаюнусова. Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматлар такомиллаштирилади. // <https://telegra.ph/Nogironligi-bor-insonlarga-k%D1%9Ersatiladigan-hizmatlar-takomillashtiriladi-08-06>. SamTVR | MTRK. 2024 йил 6 август. – 0,2 б.т.

<p><b>М.Мамаюнусова</b></p> <p><b>Роль социальных услуг в сокращении бедности</b></p>	<p><b>М.Mamayunusova</b></p> <p><b>The role of social services in poverty reduction</b></p>
<p><b>Аннотация.</b> В данной статье рассматривается роль социальных служб в сокращении бедности, сущность данных услуг оказанных людям с ограниченными возможностями а так же раскрыты приоритеты государственной политики в данной отрасли. Также был дан ряд рекомендаций касательно людей с ограниченными возможностями, направленных на создание достойных условий жизни, обеспечение занятости и профессиональной подготовки.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> услуги, социальные службы, бедность, центр "Инсон", люди с ограниченными возможностями, качество жизни.</p>	<p><b>Abstract.</b> This article examines the role of social services in poverty reduction, the essence of these services provided to people with disabilities, as well as the priorities of state policy in this industry. A number of recommendations were also made regarding people with disabilities, aimed at creating decent living conditions, ensuring employment and vocational training.</p> <p><b>Keywords:</b> services, social services, poverty, «Inson» center, people with disabilities, quality of life.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.